



FUNCTIONAL CONTENT OF PHRASEOLOGICAL UNITS WITH THE COMPONENT “HAND”–“ҚҮЛ” IN GERMAN AND UZBEK

G. Umarjonova

Senior Teacher

Fergana State University

Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: phraseologism, functional content, “soma”, “Hand” – “қүл”, action, character person, phrase, speech, component.

Received: 26.08.22

Accepted: 28.08.22

Published: 30.08.22

Abstract: The given article considers PU with the components “Hand” – “қүл” through the examples in german and uzbek languages. The functional content of the PU has been also taken into account in the analyses.

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “HAND”–“ҚҮЛ” КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ МАЗМУНИ

Г. Умаржонова

катта ўқитувчиси

Фаргона давлат университети

Фаргона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: фразеологизм, функционал мазмун, “сома”, “Hand” – “қүл”, ҳаракат билдирувчи, характер, инсон, ибора, нутқ, компонент.

Аннотация: Ушбу мақолада замонавий немис тилининг асосий компонент "Hand" – "қүл" сўзи бўлган ФБ ларнинг қўлланилиши, функционал мазмуни ҳақида сўз юритилиб, фразеологизмларнинг таҳлили немис ва ўзбек тиллари орқали берилмоқда.

ФУНКЦИОНАЛЬНОЕ СОДЕРЖАНИЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ С КОМПОНЕНТОМ HAND–“ҚҮЛ” В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Г. Умаржонова

старший преподаватель

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: фразеологизм, функциональное содержание, сома, человек, фраза, речь.

Аннотация: В статье рассматриваются ФЕ с компонентом “Hand“ – “қўл” через примеры на узбекском и немецком языках, также даётся информация о функциональном содержании.

КИРИШ

Нутқ тилнинг ўзига хослиги, унинг тасвирий ифодаларга бойлиги билан тавсифланади. Фразеологиянинг дастлабки бошланиши мустақил тилшунослик фани сифатида XIX асрда кириб келган. Фарзеология тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, одатий сўз бирикмаларининг жамланган қисмини, ушбу тилнинг иборалари ва идиоматик конструкцияларини ифодалайди.

Бугунги кунда маълум бўлган иборалар ҳаётнинг турли соҳаларида юзага келган ва ўтган асрлардан бошлаб ғоялар, урф-одатлар ва ҳаёт шароитларга боғлиқ бўлиб, кўпинча биз учун ёд бўлган маданий ва ижтимоий шароитларга лисоний кўприкни шакллантириди. [2, 6]

АСОСИЙ ҚИСМ

Замонавий немис тадқиқотчилари фразеология ҳақидаги тавсифлари ва қарашлари бир қатор нуқтаи-назаргаларга асосланган. Бу фразеология назарияси ривожланишининг ва тил тизимиға тааллуқли барча янги қонунларни ўрганиш ҳамда фразеология тадқиқоти усулларини такомиллаштиришдан келиб чиқади. Сўнгги йилларда иккита тасниф кенг тарқалган: функционал ва семантический.

В.В.Виноградов семантический таснифининг тортишувли нуқталари рус ва бошқа тилларга нисбатан кенг қамровли танқидий таҳлил қилинадиган масалалардан бири бўлганлиги сабабли, немис фразеологиясини функционал асосда танқидий тартибга солиш мақсадга мувофиқ, айниқса турғун сўзларнинг кўпчилиги семантический таснифининг фразеологик комбинацияси функционал нуқтаи-назардан тизимлаштирилган фразеологиянинг қисмидир.[9,7] В.В.Виноградовнинг фразеологик тадқиқотлари турғун ибора ва тушунча яхлитлигига эга бўлган сўзлар комбинацияларини ўрганиш муҳимлигини исботлаган даврда немис тилшунослари тадқиқотларида функционал тасниф пайдо бўлди. Соф номинативликка эга бўлган ушбу бирликлар лексик ва фразеологик бирликлар деб номланиб, биринчи марта замонавий немис тилининг турғун иборалар таълимотинининг алоҳида қисми сифатида ўрганилган. Ушбу ҳолат тилда ифодаланган номинатив функцияни амалга оширадиган сўз бирикмаларига нисбатан ушбу гуруҳ сўзларининг барқарор комбинацияларининг функцияси ва тизимли-семантический хусусиятларини, шунингдек уларнинг ўзига хос хусусиятларини батафсил ўрганиб

чиқишига имкон берди. “Тил тизимидағи фразеологик қуи тизим ҳам мавзуларнинг функционал йўналиши бўйича тавсифланади, сўзлар билан бир қаторда, иборалар бирлашма воситаси бўлиш мақсадини амалга оширадилар” [1,116].

Инсон тана аъзоларини номини ифодаловчи фразеологик бирлик(ФБ)лар – соматизмлар дейилиб, улар дунёда кенг қўлланиши билан ўзига хосдир. XX аср охири в XXI асрнинг бошларига келиб соматизмларнинг хусусиятлари, уларни бошқа тилларга таржима қилиш муаммолари ва уларни маданиятлараро мулоқотдаги ўрни каби масалалар тилшунослярнинг дикқат-эътиборига тушган. Бунга коммуникатив тилшуносликнинг ривожланиши билан бирга хорижий тилни ўрганишнинг самарали усусларини яратиш каби омиллар сабаб бўлган дейишимиз мумкин. Ҳамда шахс онгида оламнинг лисоний манзарасини ўрганишда тилшуносликнинг бу муҳим қатлами бўлмиш соматизмни алоҳида фразеологик бирликлар сифатида ўрганиш муҳимлигига асос бўла олади.

Замонавий немис тилида соматик фразеологизмлар тил лексик таркибининг асосий қисмини ташкил қиласди. Шу боис, биз соматизмларда асосий компонент "Hand" - қўл сўзи бўлган ФБнинг қўлланиши, функционал мазмуни ва унинг тез-тез такрорланиши хақида сўз юритамиз.

“Сома” сўзи юонон тилидан олинган бўлиб, “тана” деган маънени билдиради. Илк маротаба "соматик" тушунчасини фин тилшуноси Ф.Вакк фанга олиб кирган. Таркибида инсон тана аъзолари номлари бўлган фразеологик бирликларга Ф.Вакк "соматик фразеологизмлар" деб ном берган: қўл, оёқ, бош, бармоқ ва ҳакозо. У эстон тилининг фразеологик таркибини ўрганиб, соматизм энг қадимги фразеология қатламларидан бири ва тилнинг фразеологик таркибининг энг кенг тарқалган қисмини ташкил этади деган хulosага келди [3,23].

Инсон иш-ҳаракат ва турли муносабатларини ифодалашда „қўл“дан энг кўп фойдаланади, шунингдек, қўл ташки муҳит билан муносабатга киришувчи фаол тана аъзосидир. Шу нуқтаи назардан, соматик ФБ ларда “қўл” сўзи турли тиллардаги турли маънени англашиб, биринчи навбатда, бу сўзниң маъносини аниқлаш лозим. Бир луғатда "Arm" сўзи одамнинг танасининг бир қисми сифатида елкадан кафтгача деб белгиланади [4,115], иккинчи луғатда эса бу сўзниң кенг маъноси берилган: одамнинг танасининг юқори қисмларидан бири - елкадан бошланади ва бармоқлар билан тугайди, деб изохланган [4,141]. Arm сўзининг луғатлардаги фарқларига қарамасдан, бу таърифлар умумийдир. Бундан келиб чиқадики, қўл (Arm) мураккаб тушунчадир, уни таърифилашда бир неча сўздан фойдаланилади: тирсак (der Ellenbogen), билак (das Handgelenk), кафт (die Hand), мушт (Faust), бармоқлар (Finger, der Daumen) ва тирноклар (die Nagel) каби. Бу

соматик фразеологизмлар инсон характери ва фазилатини, имо-ишора, ҳатти-ҳаракат ҳамда муносабатларини салбий ва ижобий ифодалайди. Жумладан,

- *keine Hand frei haben* (құлы банд бүлмоқ)

- *beide Hände voll zu tun haben* (құлогигача ишга күмілмоқ) ФБлари инсон мәхнатсеварлиги ҳақида маълумот беради. Юқоридаги иккала немис фразеологизми инсоний ҳаракатларнинг шиддат билан бажарилишининг юқори даражасини күрсатувчи *beide Hände* (иккала құллар) сөз бирикмаси мавжудлиги билан тасдиқланади. Иккала құл билан ишлаш ва одатдагидан күпрөк ҳаракат қилиш икки марта күп иш қилиш демақдир.

Ўзбек тилидаги мажозий маънода келган юқорида айтилған фразеологик бирликлар, яъни:

- құлы-құлига тегмай - иборасида хам мәхнатсеварлик,
- құлы гул - ҳамма ишни мохирлик билан бажарувчи,
- құлидан келмоқ - ҳамма иш қилишга қодир, уддабурон,
- қаттиққұл ва темир құл - иборалари жиддий, талабчанлик,
- құлы енгил – ишларни осон бажарувчилик,
- құлы баланд – вазияти, мавқеи устун хусусиятлари бор инсонларга нисбатан қўлланилади.

Рус тилидаги "қўл" компонентли ФБни таҳлил қилас экан, В.Н.Телия "бу иборалар жисмоний мәхнат билан шуғулланадиган шахснинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган гояларга асосланади. Шунингдек, улар ахлоқий ва маданий муносабатни намоён этадилар: инсон ҳалол, яхши ниятли, ўзига ишонч билан мәхнат қилиши керак", деб ёзади [4,69].

Хеч қандай ҳаракат ва ҳаракатлар белгиларининг бўлмаслиги, дангаса, яъни бўшашган, ҳафсаласиз, фақат ўз хотиржамлиги ҳақида ўйловчи инсонларнинг сифат белгиларини ифодаловчи асосий мезондир. "Бу фразеологик бирликларнинг асосида мажозий (метафорик) ўхшатиш бўлиб, унда кўп босқичли синекдоҳа - бутуннинг бир қисми (номи билан): бармоқ – қўл - ҳаракат - фаолият, деб қаралган. Бармоқ компоненти унинг инструментал функциясида қўл билан таққосланади. Имо-ишора ва ҳатти-ҳаракатларнинг рамзий маъносига асосланган фразеологик бирликнинг ёрқин мисолларини қуидаги ибораларда кўришимиз мумкин:

- *zwei linke Hände haben* (жисмоний ишга қодир эмас)

- *die Hände in die Tasche stecken* (лаллайиб ўтирмоқ, ҳеч нарса қилмаслик),

- *die Hand in anderer/fremder Leute Taschen haben* (бошқалар ҳисобига яшамоқ),

- *j-m. etwas unter den Händen zerbrechen* (Қўлини совуқ сувга урмаслик)

- *kein Hände rühren* (кимгадир ёрдам бермаслик),

- *die Finger von etwas lassen* (бирор нарса билан шугулланмаслик),
 - *keinen Finger regen* (бармогини қимирлатмаслик),
 - *Daumen drehen* (хеч нарса қилмаслик, зерикиши),
 - *seine Hände in unschuld waschen* (құлни ювиб, құлтиққа урмоқ, жавобгарлықдан қочмоқ),
 - *eine lockere Hand haben* (құллари бўши, ишисиз),
- ўзбек тилида:
- құлни совуқ сувга урмаслик,
 - құлтиғидан тарвузи тушибди,
 - құлли синик,
 - құл силтамоқ,
 - құлни ювиб, құлтиққа урмоқ,
 - құл қовуштириб ўтироқ,
 - құлинни бурнига тиқиб,
 - бармогини тишламоқ
 - құл учида қилмоқ [5, 295-304].

Ушбу Фбларда одамнинг дангасалиқ, ҳафсаласизлик, бекорчилигини намойиш қилиши, ишдан бош тортиши, ором олишни хоҳлаши ҳамда бирорларни ҳисобига яшаш истаги кучлилигини ифодалайди. Иборанинг негизи - бу одамда ишбилармонликнинг йүқлиги, нўноқлиги, хеч қандай тадбирда иштирок этмаслиги, муаммоларни ҳал қилиш ўрнига қўлларнинг бўшашган, лаллайган, ҳамма нарсага қўл силтаган, қўл қовуштирган, ҳафсаласи пир бўлган, ҳатто бармогини ҳам қимирлатмаган ҳолда ўтириши каби ўхшаш метафорадан иборат. Ушбу иборалар чап, эгри, ҳунарсиз ёки бесўнақай қўллар ҳаракатга сустлиги боис бирон бир фаолиятни тегишли даражада амалга оширишга қодир бўлмаган инсонларга нисбатан ифодаланган. Умуман олганда, бу атамалар иддаосизликнинг стереотипик ғоясини келтириб чиқаради. Энг мухими, қобилият ёки маҳоратдир, чунки у инсоннинг ўз истеъдоллари, меҳнатсеварлигини намоён қилиши, хурмат ва ҳурматга лойиқлигини ҳис қилдиради.

Анъянага кўра, у инсоннинг қўллари билан ҳар қандай ишни муваффакиятли бажариши мумкин бўлган қобилияти билан боғлиқ. Аввало, бу жисмоний меҳнат учун амал қиласи. Бунга немис тилида:

- *eine glückliche Hand haben* (енгил, маҳоратли, чакқон қўли бор бўлмоқ)
- *einen grünen Daumen haben* (сўзма-сўз: яшил бош бармоги бор; енгил қўли бор)
- *in festen Händen sein* (сўзма-сўз: кучли, қудратли қўлга эга бўлмоқ)

- *ungeschickte Finger haben* (сўзма-сўз: ҳунарсиз бармоқларг эга бўлмоқ; маҳоратсиз / бесўнақай бўлиши) ва

ўзбек тилида:

-*қўли гул*; [5, 295-304].

фразеологизмлари мисол бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, бу "*glückliche Hand*" - моҳир, қўлидан ҳар қандай иш келадиган, "*rechte Hand*" - ҳар қандай жисмоний меҳнатга қодир, "*feste Hand*" - қўллари бақувват бўлган, "*grünen Daumen*" - сўzlари гуллар ва бошқа яшил ўсимликлари жуда яхши ўсадиган кишиларга нисбатан ишлатилади. Ўзбек тилидаги "қўли гул" иборасидаги "гул" сўзи - қиладиган барча ишлари гул каби чиройли бўладиган инсонлар характерини ифодалашда ишлатилади. Бу ибораларда ҳар қандай ҳаракат учун яхши бошловчи сифатида қўлни рамзлаштиришга асосланган. Қўллари моҳир, бақувват, "яшил" бўлган шахслар учун нафақат ҳаётда ҳамма нарса яхши бўлади, балки ҳар қандай ишларни моҳирлик билан қила олиш қобилиятлари жамиятда алоҳида аҳамият касб этади.

Ижобий семантика қўйидаги иборалар билан ҳам ифодаланиши мумкин: ,

- *viele Hände machen der Arbeit schnell ein zu Ende* (чакқон),
- *die Hände in der Tasche haben* (сахий),
- *mit milder Hand verteilen* (хайр-эҳсон берши),
- *mit Hand anlegen* (ёрдам бермоқ),
- *mit sanfter Hand* (мулойим ва сезгирилик билан),
- *in guten Hand sein* (гамхўрлик қилмоқ),
- *eine offene Hand haben* (очиққўл, саховатли бўлмоқ),
- *j-m unter die Arme greifen* (доим ёрдам бермоқ, қўллаб-қувватламоқ),
- *reine/saubere Hand haben* (ростгўй).

ўзбек тилида:

- *қўли узун*
- *очиқ қўл*
- *қўли калта* [5, 295-304].

Шуни таъкидлашимиз керакки, таркибида "Hand" соматизми бўлган инсоний фазилатлар хос ушбу ФБларнинг сон жиҳатдан қўпчиликни ташкил қиласди. Юқоридаги иборалар инсоннинг беғубор, сахий, раҳм-шафқатли ва самимиyли, ғамхўр, доимо ёрдамга тайёр, мулойим, ростгўйлиги ҳақидаги фикрларни етказиш учун хизмат қиласди. Ушбу фазилатлар тавсия этилган контекстда "мехрибонлик" тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, бу сўз бирикмаларининг юмшоқ (мехрибон, ғамхўр, бағрикенг, раҳмдил, сахий)

сўзларининг мавжудлиги билан тасдиқланган. Бу айтилган ибораларда яхшилик ва раҳм-шафқат қадриятларини тасодифий, деб бўлмайди. Бу, биринчи навбатда, инсоннинг меҳрибонлик, раҳм-шафқат ва самимийлик каби фазилатларига эга бўлишини назарда тутади. Инсон табиатининг бу хусусияти очиққўллик, саҳийлик билан қилган ҳаракатлари орқали намоён бўлади, чунки у бошқаларга зарур ёрдам беришга тайёрлигини ҳамда бошқаларда йўқ улкан фазилатларга эга шахс эканлиги ифодалайди.

Немис тилида салбий маъноли фразеологик бирликлар ҳам мавжуд бўлиб, биз уларни қўйидаги мисолларда кўриб чиқишимиз мумкин:

- *die Hand auf die/auf der Tasche halten* (қизғанчиқлик, хасислик қилмоқ),
- *sich die Hände reiben* (ичиқоралик қилмоқ),
- *die Hand gegen j-n erheben* (кимгадир таҳдиð қилмоқ),
- *Hand an j-n legen* (тажсовуз қилмоқ, ўлдирмоқ),
- *Hand an sich legen* (ўзини ўлдирмоқ),
- *seine schützende/helfende Hand von j-n abziehen* (бошқа ҳимоя қилмаслик, ёрдам бермаслик),
- *j-m die Hände schmieren (versilben)* (кимгадир пора бермоқ),
- *die Hand von j-m abziehen* (ёрдамини аямоқ),
- *linke Hand haben* (қўпол ҳаракат қилмоқ),
- *krebige Hand haben* (ўғирлашга мойил бўлмоқ),
- *die Hände, nach j-n etw.ausstrecken* (қўлга киритмоқ, ўз мулкини бойитмоқ),
- *j-m ins Handwerk pfuschen* (тумшуғини тиқмоқ),
- *aus der Hand lese (wahrsagen)* (фолбинлик қилмоқ)
- *j-n auf den Arm nehmen* (бирорни мазах қилмоқ).

ўзбек тилида:

- қўли эгри,
- қўлинини бигиз қилмоқ,
- қўл кўтармоқ (урмоқ) [5, 295-304].

Бу фразеологик бирликлар инсонни салбий томондан ифодалаб, қатъиятсиз, ўз нафсониятининг кучсизлиги, хасис, ёрдамини аяши, ичиқора, масхара қилиш, одобсиз, зиқна, қўпол, тажовузкор каби сўзлар салбий маънони кучайтиришга хизмат қилади. *Die Hand auf die/auf der Tasche halten* ибораси инсон хулқ-авторининг ўта салбий сифати бўлган очкўзлик; *j-m die Hände schmieren (versilben)* (кимгадир пора бермоқ) - тамагирлик, *krebiege Hand haben*, *die Hände, nach j-n etw.ausstrecken* – ўғрилик, *die Hand auf die/auf der Tasche halten*, *die Hand von j-m abziehen* - қизғанчиқлик хусусиятлари акс эттирилган

фразеологик бирликларни учратиш мумкин. *Seine schützende/helfende Hand von j-n abziehen* фразеологизмда кимнидир моддий қўллаб-қувватлашни рад қилиш ва ҳеч кимга моддий ёрдам беришни истамаслик тасвирланган. Бундай нуқсон ва камчилиги, салбий одатлари бор кишиларнинг инсоний фазилатлари йўқлигидан далолатдир, бу эса, ўз навбатида, бошқалар орасида ишончсизлик ва антипатия - нафратни келтириб чиқаради.

ХУЛОСА

Ўзбек тилида берилган фразеологик бирликлардаги "қўл" сўзи қуйидаги маъноларга эга: эгри қўлли инсонлар ҳаётда тўғри яшамай, турли қингир, ўзгалар ҳақи ва мулкини ўғирлайдиган олчоқ шахсларга нисбатан ишлатилади. Бигиз - учи ўткир, игна каби асбоб бўлиб, қўлинини бигиз қилиши билан у ўзининг шафқатсиз ва худбин одамлигини намойиш қиласиди.

Шундай килиб, таҳлил натижалари олмон тилидаги фразеологизми бўйича баъзи бир хулосалар чиқаришга имкон беради:

- Кенг тарқалган учта таснифнинг: (семантик, услубий, функционал) функционаллиги кўпроқ қўлланилади, чунки фразеологик комбинациялар деб аталадиган қисмга киритилган барқарор ибораларнинг аксарияти функционал принципга мувофиқ тизимлаштирилган фразеология қисмидир.

- Hand, Finger, Arm, Daumen, Nagel, Ellbogen, Faust ва Handgelenk компонентлари бўлган соматик фразеологик бирликларнинг характерли хусусияти - қўл инсоннинг кўп қиррали ички дунёсини тасвирлайдиган бир воситадир.

- "Arm" тушунчаси, Hand, Finger, Daumen, Nagel, Ellbogen, Faust ва Handgelenk каби тушунчаларни ўз ичига олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. М.И.Умархаджаев, “Тил илми уммонига қўшилган томчи”, илмий мақолалар, Тошкент, 2013. // “Основы фразеографии”, Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук, Москва-1981. с.116
2. Duden “Redewendungen”, Wörterbuch und deutschen Idiomatik, Berlin: Dudenverlag, 2013. 6-бет
3. Ф.О.Вакк. соматической фразеологии эстонского языка // Вопросы фразеологии и составления фразеологических словарей: Сб. науч. ст. Баку, 1968.
4. Большой фразеологический словарь русского языка. Значение. Употребление. Культурологический комментарий / Под ред. В. Н. Телия. М.: АСТ-Пресс книга, 2006. с.784

5. Ш.Рахматуллаев. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент, 1978.
6. Duden “Deutsches Wörterbuch”: A–Z. Mannheim; Leipzig; Wien; Zürich: Dudenverlag, 1996. S.1816
7. Duden “Das Bedeutungswörterbuch”. Mannheim; Leipzig; Wien; Zürich: Dudenverlag, 2002. S.1103
8. Duden “Redewendungen und Sprichtwörter”, Redensarten: Wörterbuch.
9. М.Г.Замилева. “Фразеологические единицы немецкого языка с компонентом «Части тела»”, Выпускная квалификационная работа, Оренбург, 2000.
10. “Deutsch-russisches Wörterbuch”. Москва, 1971 / Под ред. А.А.Лепинг, Н.П.Страхова.
11. Heinz Griesbach, Dora Schulz. “1000 deutsche Redensart”, Berlin-München-Wien-Zürich, 1961,1977,1981.
12. Lafasov, U. (2021). ORIGINAL MEANINGS OF SOME ETHNONYMS IN SOURCES. *Oriental Journal of Philology*, 1(02), 69-74.
13. Lafasov, U. P. (2022). BASICS OF LANGUAGE SCIENCE AMONG UZBEKS. *Oriental Journal of Education*, 9-12.